



МАЪРИФАТ

MA'RIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1994 йил 26 февраль, шанба

№ 14 (6801). Баҳоси сотишда эркин нархда.

Ислом КАРИМОВ: Дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ

«Соғлом авлод учун»: Тани соғ—қулон, ақли соғ—булоқ

Адабиёт, санъат ва баҳор билан дийдорлашув

Муҳаррир минбари

Сарлаҳани ўқиган киши бу ҳар икки касб ўртасида нечоғлиқ алоқа бор, деб ўйлаши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, фермер — дала кишиси, муаллим ҳаётини мактаб билан боғлаган. Чуқуроқ ўйлаб кўришса, ҳар икки соҳа соҳибларини бириштириб турган қўлаб кўча кўринмас рингалар мавжуд эканлигига тўғриси бўлса...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар маҳкамаси йиғилишида сўзлаган, «Дехқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи» деб номланган нутқини ўқиганимизда кўнглимиздан ана шундай фикрлар кечди.

Нутқда Ватан қисматига тақдирдош ҳар бир юракка чуқур ҳажмон солуви, ифтихор ўйғотувчи шундай сатрлар бор: «Дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ, ўзбек дехқонига тенг келадиган заҳматқаш ҳам дунёда топилмайди!»

Бу оташин сатрлар менга негандир муаллимлар ҳақида ҳам айтаётгандек туюлади. Ахир шунча эҳтиромга сазовор ўзбек дехқони илк сабоқ, таълим-тарбияни муаллим қўлида олган-да!

ФЕРМЕР ва МУАЛЛИМ

Винобарин, «Дехқон бадавлат бўлса, юртимиз обод бўлиши мумкин» деган маънавий жиҳатдан бой муаллимнинг ҳам юртимиз истиқболига самарали таъсири беқасб. Дехқон моддий бойлик яратиш, тушундан дур ундирса, муаллим ёш қалбога сайқал бериб, маърифат гавҳарларини тиради.

Тарихий кечмишлардан маълумки, ҳар даврнинг ўз одамлари бўлади. «Фермер — бугунги жамиятнинг энг фаол аъзоси, фаолгина эмас, энг ишончли аъзоси», даяр одами. Муаллим эса жамиятнинг ана шундай қуюнча аъзосини тарбиялашдек муҳим вазифани ўз зиммасига олган.

Мана шундай манзур тақдослардан сўнг «қан энди, фермерлик ҳаракати тезроқ қутлиган самараларни берсаю, пок ахлоқли, соғлом шурли ёш авлод тезроқ узангини оёғига қийса», дея ҳавас қилсан, киши. Аммо тоза ниятлар ниябат бўлишига ҳалал бераётган тўсиқлар озмунча эмас.

Президентимиз ўз нутқида ислоҳотини жорий қилишдаги тўсиқ ва нуқсонларнинг олти сабабини келтиради. Улардан энг каттаси жадал илгарилар кетганимизга сезиларли таъсир қилаётган расмиётчилик, кўбуньямачилик, ишнинг юзаси қарашдир. Бунинг устига эскидан қолган маъмурий-бўйруқчилик, қотиб қолган зўравонлик усулларини ишлатиш, ҳисобот сўраш, янгича иш юритишнинг булганларини эски қоидаларга солиш ҳаракатлари ҳақиқатан ҳам барҳам топанча йўқ.

Бундай эскича иш усулларини таълим-тарбия жараёнига ҳам соя солишга, деб айтсак, ўз-ўзимизни алдаган бўламиз.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда маҳаллий ҳокимиятлар, хўжаликлар мактабга отадиқ ёрдамларини кўрсатишлари, моддий-маънавий жиҳатдан қўлаб-қувватлашлари, бундай ёрдам солиқлардан озод этилиши қайд этилган. Лекин бу алоқалар ҳали ҳуқуқий замин асосига қурилган эмас. Шундай асос яратилмас экан, отадиқ ёрдамлари изчил йўналиш касб этишига қафолат йўқ.

Нутқда дехқонларимиз учун қишлоқ жойларида қўлайлик яратиш ҳали ҳал этилмаган муаммолардан бири сифатида таъдил этилади. Шундай муаммолар қишлоқ ўқитувчилари ҳаётига ҳам тааллуқлидир. Қишлоқ ўқитувчиларига маънавий, савдо хизмати кўрсатишни, мактаб ўқувчиларини энг зарур ўқув қуроллари билан қишлоқларнинг ўзида таъминлашни йўлга қўймай, моддий-иқтисодий таъминотини янада яхшиламай, маърифат аҳлининг билим бериш ва билим олишга бўлган иштиёқини ошириш қийин кечади.

Бугун фермер учун муаллимлик, мурабийлик салоҳияти қанчалик зарур бўлса, муаллим учун фермерлик таъминотчилигино мустақил иш юрита олиш маҳорати шунчалар зарур эканлигини ҳис этмаслик мумкин эмас. Булардан ҳулоса шуки, муаллим дехқондек заҳматқаш, дехқон муаллимидек заҳий мамлакатнинг йўллари ҳаминча равондир. Президентимиз нутқида алоҳида қайд этилганидек, «Бугун биз ўзимизни анча тугиб олдик, қаддимизни анча рустладиқ, анча тажрибага эга бўдик. Ўзбекистон учун олға юришдан, ислоҳотини изчил амалга оширишдан ўзга йўл йўқ. Буни қатъан кичик — ҳамма-миз англаб олишимиз лозим».

(Кеча Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг ҳайбат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган «Дехқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи» деб номланган нутқидан келиб чиқадиган таълим тизимига оид вазифалар белгилаб олинди.)

Президентга мактуб келди

ЙЎЛИНГ ОЙДИН, НАРГИЗА!

«...Исон қанчалик баркамол бўлса, у яшаётган маскан шунчалик кўрку чиройга эга бўладики, бу унинг халқи, одамлари нақадар бой маънавиятга, яратувчилик куч-қудратига эгаллигидан далолат беради. Сен ана шундай юрт ва халқ фарзандисан. Истайманки, сен ҳам улус аждодларинг аъёнларини давом эттирасан, ота-онанг каби Ватан учун фидойи бўлиб еттирасан».

Юқоридаги сатрлар республика Президенти Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳридаги ўзбек-турк қизлар лицейи ўқувчиси Наргиза Каримовага йўллаган жавоб хатидан олинди.

Энди Наргиза ҳақида. Маълумки, Президентимизнинг махсус Фармони асосида республика ҳудудига ўтган йили еттига ўзбек-турк лицейи очилган бўлса, бу йил уларнинг сонини 28 тага етди. Шу жумладан, Тошкентнинг Юнусовод даҳасида ҳозирча янаюна қизлар лицейи фаолият бошлади. Лицейда, ўзбек тилидан ташқари, инглиз ва турк тиллари ўргатилади. Бундан ташқари, одобнома, дин тарихи, жуғрофия дарслари ҳам ўтилади. Дарслар жонли, қизиқ, эрчим мулоқотга асослангани билан шўро мактаблари тартибидан буткул фарқ қилади. Инглиз тилини жадал ўздаштирган ўқувчилар юқори босқичларда химия, физика, математика ка-

би фанларни ҳам шу тилда ўрганади. Бу ерда қизларимизнинг уйдагидек яшашлари, таълим олишлари учун керакли шарт-шароит яратилган. Наргиза Чилонзор туманидаги 200-мактабнинг 6-синфини аъло баҳоларда тугатган, синво-ғановлардан муваффақиятли ўтиб, Тошкентда очилган ана шу илк ўзбек-турк қизлар лицейи ўқувчиси бўлди.

Ҳар тонг мамлакатимиз раҳбарининг лицей биносига кириверишдаги суратига миннатдорлик туйғуси ила боқиб ўтаркан, Наргизанинг ҳаёлидан турнақатор саволлар кечарди. Президентларнинг оддий одамлар ҳам байрамлар ҳамда туғилган кунлари билан табриклаши мумкинмики? Оддий одам, масалан, мактаб ўқувчиси мамлакат раҳбарига мактуб ёза оладими? Саволлар бора-бора қарорга айланди. Наргиза юртбошимизга мактуб йўллаб, илм олиш йўлида яратилган имкониятлар

учун, ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор ҳамда оталарча ғамхўрлик учун миннатдорлик тўла дил сўзларини иҳор этди.

Яқинда Президент девони ва республика Халқ таълими вазирлигидан вакиллар ўзбек-турк лицейида бўлиб, Наргизага Ислом Каримовнинг жавоб мактубини топширдилар.

Президентимизнинг мактуби нафақат Наргизага жавоб хати, балки, умуман, таълим соҳасига эътибордир. — дейди республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев. — Энди ана шу юксак эътиборни оқлашимиз керак. Маориф ходимлари, қолаверса, ўқувчиларимиз ҳам бу масъулиятни ҳис этишларини истардим. Чунки бугунги намунали ўқувчи эртанги куннинг илгор табиижори, ўқитувчи ёхуд иштирокидир. Юртбошимиз таълимчиларимизнинг порлоқ келажакини ёшларимиз яратди.

Бугунги кунда республикада барча жаҳдаллар қарни таълим соҳасида ҳам тўз ўзгаришлар, ислоҳотлар бошланди. Ўзбек-турк қўшма лицейлари таъ-



рибасига таяниб, шарқ тиллари, нафис санъат лицейлари, шунингдек, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа йўналишларда 60 дан ортиқ лицей очилди. Уларда 17 миң ўсмир таълимнинг янгича усулларига билим олмоқда. Айни пайтда Халқ таъли-

«Маърифат» хабарлари

ШАРТНОМА АФЗАЛЛИГИ
УЧҚУРҒОН. Шаҳардаги Өббек номидаги 4-ўрта мактабнинг илмий бўлими мудири Солиқ Тошпулатов ташаббус билан илмгоҳда таълим-тарбияни янгида асосда шакллантириш мақсадида ўқитувчилар билан шартнома асосида ишлаш йўлига қўйилган.

Қисқа фурсатда ҳар бир ўқитувчи шартномада кўзда тутилган вазифаларни бажаришга жиддий киришди. Дарс бериш самарадорлиги ҳам кескин ўзгарди. Шартноманинг афзаллиги шунданки, эндигина иш бошлаган ўқитувчилар тортиб, кеска ўқитувчиларга — ҳар ким ўз ишнини билиб қиладиган, вақтин бекорга сарфламайдиган бўлди.

А. АБДУҒАНИЕВ.

САХОВАТЛИ ИНСОНЛАР
ҚИБРАЙ. Тумандаги 36-ўрта мактабнинг иситиқ қуравлари яхши ишламаганиги тўғрисида қишлоқда анча қийинчиликлар туғилаётганлиги устига-устак галасидаги ишларни ҳам негандир «ўзбек вақтин буюн бўл қилибмай жамоа аҳлини ранжитиб келаятганлиги»

Яқинда мактабимиз аҳлининг озулари рўбга чиқарилаётганлиги, илмгоҳга туман ҳокимининг муовини ҳамда «Ўзбекбўлашув» конференциянинг бош директори ўткир Шопосов таширф буюришиб, муаммоларимизни ҳал қилиб беришадиган бўлдилар. Шу жумладан, уларнинг саховати билан галасидаги ишларни ҳам бошлаб юборилди.

Қ. АҲМЕДОВ.

МУАММОЛАР ҲАЛ БУЛАЯПТИ
БОИСУН. Бозор иқтисоди шариоитида мактабга тарбия муассасаларида ҳам муаммолар кўпайиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Боғчалар моддий базисини мустақамлаш, уларга ҳоимлик қилиш кабилар шунлар жумласидан.

Келажакимиз ворислари бўлган болалар тақдирини ўйлаган туман раҳбарлари бу ишни қайта йўлга қўйиш, унга ёрдам бериш масалагини шу куннинг долзарб вазифаси деб билиб, ота-оналар, маҳалла қўмиталаридан тортиб, барча ташкилотларга ана шу иш билан жиддий шугулланишга келишди.

Эндиликда боғчалардаги авлод ҳам тугдан ўзгарди. Кераклик маблаглар ажратилиб, илмий, қўлобола ўғинчоқлар билан таъминланди.

И. ТОҒАБА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

О. У. САЛИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Оқил Умурзоқович Салимов Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ж. А. АБДУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Жўра Абдуллаевич Абдуллаев бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ.**

УНИВЕРСИТЕТДА УЧРАШУВ

24 февраль куни жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қочқилар иши бўйича бош комиссарининг Марказий Осий мамлакатлари ҳамда Афғонистондаги

вакили Филипп Лабреве билан учрашув бўлди. Мехмон Ингилтларга минтақадаги қочқиларнинг бугунги ҳаёти, улар-

ни ўз ватанларига қайтариш учун БМТ томонидан амалга оширилаётган ишлар, кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами ҳақида

гап-риб берди. Афғонистон ва Тожкистонда суратга олинган ҳужжатли видеофильм намойиш этилди. Ф. Лабреве талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. (ЎзА).

АНЖУМАНГА ТАЙЁРГАРЛИК

танланган 300 нафардан эида йигит-қизлар иштирок этишди.

Қизгин баҳслар, ўз маҳоратини кўрсатиш, тўлганган тажрибалар намойишидан сўнг ўн олти нафар ўқувчи республикада ўтадиган иқтидорли болалар анжуманида иштирок этадиган бўлди.

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг бу хайли иши ўқитувчиларимизни янги-ча ишлашга, маъсулиятлироқ бўлишга, ўқувчиларни қизиқ-қан соҳасига йўналтиришга жиддий эътибор беришга даяват этмоқда.

Энг муҳими, вилоят кўриктановида иштирок этган 300 нафар ўқувчининг ҳар бири ҳам ўзларининг нечоғли билимига эга эканлигини, ус-тозаларидан олган сабоқлари, маҳоратларини намойиш этидилар. Ғолиблар вилоят халқ таълими бирлишмаси ҳамда ҳоимий ташкилотларнинг қимматбаҳо совгалари билан тақдирландилар.

Ж. ЖИЛОВОВ, вилоят халқ таълими бошқармаси бошқаруви муррабин.

Очиқ мулоқот БАҲОР БИЛАН УЧРАШУВ

дан сабоқ олган талабаларнинг давримизда, аниқроғи, 70-йилларнинг охирида эса у алаҳча-чон эл тилига тушган таниқли ижодкор эди. Қандай бўлганда, ўткир Хошимов устозлари орзу-умидини рўбга чиқарди, мунаққидлар, энг муҳими, мухлислари ишончини оқлади. Асардан асарга ўсиб, иқтидорини намойиш қила бориб, «Чўл ҳавоси», «Шамол эсаверди», «Одамлар манбалардан териб олдим, Атоқли адиб Абдулла Қаҳқур назарига тушган кезларда ўткир Хошимов эди-гина адабиёт оламига кириб келаятган ёш қаламкаш эди, кундузи темирўлчилар га-

зетасида ишлаб, кечкурун дорилфунунда ўқирди. Мунаққид Иброҳим Ғафуров унинг «Шамол эсаверди» кассасига сўзбоси ёганда, ўнлаб ҳўқоялар яратган, йиқилган қўл урган, шу аснода ўз йўлига, ўз услубига эга бўлиб бораётган нисир эди. Адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов-

ри» каби ҳўқоялар ва қиссалар тўпламлари, «Нур борки, соя бор», «Ички эшик ораси», «Тўшда кечган умрлар» романлари, «Исон садоқати», «Тўйлар муборак», «Виядон дориси» каби саҳна асарлари билан адабиётсеварлар ва санъатсеварлар қалбини ром этди. Э. Хемингуэй, К. Симонов, А. Куприн, О. Бергольц, М. Карим, В. Шукшин каби ижодкорларнинг баъзи асарларини ўз таржимасида ўзбек китобхоналарига тақдим қилди. Бундан ташқари, у публицистика жанрида ҳам баракали ижод қилди, энг фидойи қаламкаш сифатида ном қозонди. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Адибининг қалми, аввало, журналистикада зарҳланди, ижодий фаолияти ҳозиргача журналистика билан ҳаммаган. У узоқ йиллар «Тошкент ҳақиқати», «Совет Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози»), «Тошкент ошқони» газеталарида меҳнат қилди. Бир мудат Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриятида бош муҳаррир ўринбосари вазифасини адо этди, 1985 йилдан бўён эса «Шарқ юлдузи» журна-ли тахририятга бошчилик қилиб келмоқда.

Давоми иккинчи бетда.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Укувчи магазиндан сўради: Бир килограмм нон қанча туради? — 4 франк, — жавоб берди сотувчи. — Бир килограмм шакарчи? — 12 франк. — Икки килограмм нон билан икки килограмм шакар — ҳаммаси қанча бўлади? — 32 франк. — Агар сизга 40 франк берсам, нега қанча қайтариб берасиз? — 8 франк. — Раҳмат, шуларни ма-на бу дафтаримга ёзиб беринг.

Сотувчи дарров ҳаммаси-ни бошанинг дафтарига ёзиб берди... — Мана, ушла дафтарингни... Хой, тўхта, сен буларни нима қиласан? — Укувчимиз шу масала-ни ишлаб келишни топ-шарган эди, ишлаб бердингиз, раҳмат!

Шотландиялик бир киши от спорти мактабига кириб деди: — Өрталабки сайр учун отлардан фойдаланиш мумкинми?

— Албатта, мужини, Сизга лўкиллаб юрадигандан-ки ёки чопқирдан керакми? — Менга узуи от бўлиши керак.

— Узуи дейсизми? — Ҳа, биз оқлада сак-киз кишини!

— Сен пойгада қандай қилиб биринчи ўринни эгал-ладинг? Биз сени энг охи-рида келасан, деб ўйлаган-дик.

— Узин ҳам шунақа деб ўйлаганди, шунинг учун йўл четга ўтириб бир оё-дам олмоқчи бўлдим. Тасо-дифни қарангки, келб-келиб ариниғ уйсига ўтириб олиб-ман.

Бешинчи қаватда яшовчи йигит гўртинчи қаватда ту-радиган қўшни қизни учра-тиб, кеңирим сўради:

— Кеча байрам кунин ча-вандоқ дўстлар йиғилишган эди, кечаси сизларни бе-авотга қилмадикми?

— Ҳечқиси йўқ, — деди қиз уйқурсираган кўзларини ниқалаб, — лекин шунча отини бешинчи қаватга қан-дай олиб чиқдинглар?

Азиз ҳаммасини Маҳкам Раҳ-матовчи РАСУЛОВИ

Сиз ўқитувчи, мактаб илмий бў-лим мудири ва директор вазифа-ларида ишлаб, семилки мактабимиз-нинг энг ибратли устозларидан би-ринга айлангансиз. Собир Раҳимов туманидаги 11-мактабда 59 йилдан бери фаолият кўрсатар экансиз, минглаб шогирдларни катта ҳаётга учирма қилдингиз. Шу билан бирге 6 фарзандни тарбиялаб вояга етказ-дингиз. Нимани ўқитсангиз — ўша-нга, кимни ўқитсангиз — ўшалар-га мейх қўймоқчи умрингизнинг асг мақсоди деб билдингиз. Сизни та-валлуд топган кунингиз билан кут-ларканмиз, ҳаммша бардам-бақу-ватлик, баракали меҳнат ҳамроҳин-гиз бўлиб қолсин деймиз.

КУТЛАЙМИЗ!



Мактаб раҳбари.

Азиз ва меҳрибон устозимиз Ра-но ЙЎЛДОШЕВА!



Сиз 34 йилдирки, Сурхондарё ви-лояти Узуи туманидаги 65-мактабда ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқдасиз. Шу давр мобайнида раҳбар ва олийжаноб инсон сифати-да қанчадан-қанча шогирдлар қал-бидан жой олдингиз, уларга мета-метрика фаннинг сирларини ўргат-дингиз.

Сизни тугилган кунингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз. Сизга соғлиқ-омонлик, узоқ умр, келгуси ишларингизга улкан зафар-лар тилаймиз!

Шогирдларингиз.

Ҳурматли Қасрамон РУСТАМОВ!

Сизни кутлуг 50 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Сиз ўттиз йил-дан бери мактабларимизда ўқувчи-ларга кимё ва биология фанлари-дан сабоқ бериб, кўплаб шогирд-лар етиштирдингиз. Улар ҳозирги кунда эл-юрт фаровонлиги йўлида сиқидилган хизмат қилиб келиш-моқда.



Шерафли ишингизда Сизга мува-фақиятлар тилаб, тугилган кунингиз билан яна бир бор кутлаймиз.

Челак туман халқ таълими бў-лим ходимлари.

Ҳурматли Маҳмаюсуф ЖУМАНОВ!



Уттиз йилдирки, Шаҳрисабз шаҳ-ридаги 14-ўрта мактабда ёшларга сабоқ бериб келасиз. Тажрибала-рингиз сарҳашмасидан қониб, таъ-лимингизни олган ёшларнинг кўп-чилиги бугунги кунда педагогик-дек шарафли касбини эгаллаган.

Таваллуд топган кунингиз мубо-рак бўлсин, оиламиз бахтига доимо соғ-саломат бўлинг.

Умр йўлдошингиз Адолат, фар-зандларингиз Нодира, Азамат, Нар-гиза, Моҳире, Шахло.

Ш У Б Ҳ А

ҲАЖВИЯ

У ҳаммага шубҳа билан қарайди: шогирдига, дўстига, қўшинига, хотинига, ҳатто фарзандига ҳам.

Юрган йўлида ҳам шубҳа-да: «Кимдир кузатмаптимки-ни?»

Ногоҳ дарахтининг шох-и силкиниб кетди. Бу унга қайси-дир сирини очиб юбор-гандек туюлди. «Хайрият, дарахт экан-е...»

Шубҳа уни бора-бора ёл-ғизлата бошлади. Энг яқин дўсти ҳам унинг заҳарли та-бассуидан беади, кўриб кўрмасликка олиб ўтди.

Кўшниси ҳам вақт-бевақт йўқламай қўйди, алоқани уз-ди. Хотини ва фарзандлари-да ҳам унга нисбатан шуб-ҳа уйғотди. Шогирд...

Шогирдга қийин бўлди, заҳарланди. Энди у... Энди у ҳам ҳаётга шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолди...

Қизик феъли бор бу ки-шининг. Учинчи одам бир қадам йироқлашдики, тамом, уни ёмонлашга тушади: «Ях-ши одам эмас ўзи, тутган йўли ҳам нотўғри... хуллас, аҳмоқ!»

Учинчи одамни кўрганда эса кичкинчисининг гўрига гишт қалай бошлайди: «Жу-да олғир, жуда такаббур, бундан эҳтиёт бўлиш керак. Емон одам экан, хуллас, аҳ-моқ!»

Кунин кеча яна кимидир кўзи билан кўрсатиб, суҳ-батдошига сўз қотяпти: «Ёз-ғувчи, бу одамдан яхшилик кутиб бўлмайди, ўзини — аҳмоқ!»

Кунин кеча яна кимидир кўзи билан кўрсатиб, суҳ-батдошига сўз қотяпти: «Ёз-ғувчи, бу одамдан яхшилик кутиб бўлмайди, ўзини — аҳмоқ!»

Маликжон БОБОРАҲИМОВ, Фарғона давлат универ-ситети катта ўқитувчиси.

АБДУЛЛА АВЛОННИ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСINI ОШИРИШ МАР-КАЗИИ ИНСТИТУТИДА 1994 ЙИЛ 3 МАРТДАН ХАЛҚ ХУЖАЛИГИ РЕЖАСИ АСОСИДА НАВБАТДАГИ КУРСЛАР ИШЛАЙ БОШЛАЙДИ.

- Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари тақлиф қилинади. 1. Ешлар уйи методистлари — ўзбек гуруҳи — 3—31 март. 2. Олий ва I тоифали география ўқитувчилари — ўз-бек гуруҳи — 3—31 март. 3. Биология ўқитувчилари метод бирлашма раҳбарла-ри — ўзбек гуруҳи — 3—31 март. 4. Янги дастур бўйича тарих ўқитувчилари учун маъ-садли курс (маърузачилар гуруҳи) — ўзбек гуруҳи — 3—17 март. 5. Тоғик тили ва адабиёти ўқитувчилари (Самарқанд-да) — ўзбек гуруҳи — 14—19 март. 6. Инглиз тили бўйича маърузачилар гуруҳи — ара-лаш гуруҳи — 14—19 март. 7. Француз тили ўқитувчилари (маъсадли курс) — ўз-бек гуруҳи — 14—19 март. 8. Ердамчи мактаб ва мактаб-интернатлари директор-лари — аралаш гуруҳи — 3—31 март. 9. Янги тилдаги мактаб (лицей, гимназия, коллеж)лар-нинг математика, физика, ЭҲМ ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 15—27 март. 10. Математика ўқитишнинг долзарб масалалари (муаммо курс) — ўзбек гуруҳи — 3—17 март. 11. Туман (шаҳар) ХТБ физика методистлари — ўз-бек гуруҳи — 3—17 март. 12. Нақарингача ёшларни тайёрлаш бўйича ўқитувчи-лар — ўзбек гуруҳи — 3—31 март. 13. Олий ва I тоифали меҳнат ўқитувчилари (меъмор-чилик) — ўзбек гуруҳи — 3—31 март. 14. Мусиқа ўқитувчилари учун муаммоли курс — ўз-бек гуруҳи — 3—17 март. 15. Туман (шаҳар) ХТБ кутубхона методистлари — ўз-бек гуруҳи — 3—31 март. 16. Мактаб директорлари (тоғик тилида, Фарғонада) — тоғик гуруҳи — 3—31 март. 17. Янги дастур асосида тарих ўқитувчилари учун маъ-садли курс (Сирдарёда) — ўзбек гуруҳи — 14—19 март. 18. Янги дастур асосида ўзбек тили ва адабиёт ўқи-тувчилари (Сирдарёда) — ўзбек гуруҳи — 14—19 март.

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Хорезм вилояти Кўшкўпир туманидаги Ойбек номи йўта мактабда экологияга ба-ғишланган анжуман бўлиб ўт-ди. Анжуманга вилоятдаги ту-ман ва шаҳар халқ таълими бўлими мудири, мактаб директорлари, боғча тарбия-чилари, халқ таълими тизими-даги бошқа ташкилотлар ва-киллари қатнашдилар. Вилоят халқ таълими бош-қармасининг бошлиғи М. На-зарий қисқача кириш нутқи ва-нинг «Вилоят мактаблари, ҳунар-техника билим юрталари ва болалар муассасаларида экологик таълим беришни ях-шилашга қасба уюшмасининг фойлишти», Кўшкўпир тумани халқ таълими бўлими мудири Б. Собировнинг «Туман мак-табларида экология таълими-ни такомиллаштириш иш таж-рибасидан мавзусидаги, шу-нингдек, Урганч шаҳридаги 26-боғча мудири Б. Бойжонов ва ҳамда Кўшкўпир туманидаги Ойбек номидаги ўрта мактаб директори Ш. Эгамовнинг экологик тарбияга доир маъ-рузалари тингланди ва муҳо-кама қилинди. Анжуманда экологик тар-бияни яхшилаш юзасидан фой-дали фикр-мулоҳазалар ай-тилды. Ф. ҲУБОВ, ўз мухбиримиз.

ЕШ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Кўшкўпир тумани мактаб-ларида спорт турлари бўйича муборакбод ўтказиш, одат тусига кириб қолди. Яқинда ўтказилган Грек-Рим кураш бўйича туман биринчилиги муборакбод спорт ишқибоз-ларида катта таассурот қол-дири. Муборакбод 1977—79 йил-ларда тугилган турли вази-лардаги ўсмирлар беллашма-ди. Муборакбод 29-ўрта мактаб полвонлари команди ҳисоби-да галиб чиқиди. Улугбек номи мактаб ўқувчилари ик-кинчи, Дада Назаров номи мактаб спортчилари учинчи ўринни эгаллашди.

Д. АРАЗОВ.

Тошкент шаҳри Шайхон-тоҳур туманидаги 76-мактаб томонида АБДУЛЛАЕВ Анвар Қосимович номига берилган АУ—315642 ра-қамли етулки аттестати йўқолиши сабабли беюбр қилинади.

«Мактабга тарбия» жур-нали навоис журнали бош муҳаррири Муҳаммадали Қўшмоқовга ақаси Эргашали ҚўШМОҚОВ ўли бенафот етганлиги му-носабати билан чуқур таъ-зия билдиради.

Тошкент шаҳар халқ таъ-лими Бош бошқармаси ва Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими 20-мактаб директори Иноят Валиевага онаси

Иноят ВАЛИЕВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор этди-лар.

Низомий номи Тошкент давлат педагогика институти ректорати, ямаот ташки-лотлари умумтехника фанла-ри кафедрасининг катта ўқи-тувчиси С. Ҳ. Эргашева онаси

Хотира ая ОДИЛОВА вафот етганлиги муносаба-ти билан таъзия ихор этди.



САНЪАТ ГУНЧАЛАРИ.

Х. Мирзақаримов олган сурат.

МАЪРИФАТ

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саядулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, клова учун масъул), Ашуралӣ АҲМЕДОВ, Алишер КАРИМОВ, Рафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тот лимурод ОТАМУРДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕ-ДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдуваби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўттиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонлиги учун мақолалар муаллифлари масъул-дилар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700063, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий иш-лар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Абдусами Ҳақбердиев, Дилбар Ҳўжаева.